

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2006-yil • 20-aprel • Payshanba • 46 (27.538) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни қатъий мақсад қилиб қўйган мамлакатлар таърибасида икки палатали парламент ўз самарасини бермоқда. Қонун ижодқорлиги фаолиятида икки палатали парламент шаклида ишни ташкил этиш қонунларнинг пухта ва сифатлилик даражаси юқори бўлишини дунё таърибаси аққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатали шаклда фаолият юрита бошлаганига ҳам бир йилдан ортқроқ вақт ўтди. Бу давр оралигида ҳар икки палата фаолиятининг ҳуқуқий асослари деярли шаклланиб бўлди.

Ҳозирги кунда Олий Мажлис палаталари фаолияти ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикасининг Конституциявий Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда ҳар икки палаталарнинг ўз реңламентига мувофиқ амалга ошириб келинмоқда.

Ўтган давр таърибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар икки палата ўзаро муносабатларини тартибга солишда ҳуқуқий асослар яратилиши билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кун тартибига чиқармоқда.

Ҳозирги амалиётда Олий Мажлис палаталарининг ўзаро муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ алоҳида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби» тўғрисидаги ҳужжат борлигини инобатга оладиган бўлсак, бу борада келгусида қилинадиган ишлар салмоғи кўп эканлигини аглаб олиш мушқул эмас. Қолаверса, ушбу ҳужжат қабул қилинадиган қонунлар юзасидан палаталар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда уларни бар-тароф этишининг самарали йўлларини ҳар томонлама қамраб олган, деб бўлмайди. Масалан, қонунчилик


ташаббуси ҳуқуқий субъекти томонидан Қонунчилик палатасига тақдим этилган қонун лойиҳаси барча тартиб, таомиллар асосида ўрганиб чиқилган, Кенгаш томонидан палата муҳокамасига киритилди ва биринчи ўқиш, иккинчи ўқиш ва учинчи ўқиш тартибида қабул қилинади. Сўнгра у Сенатга юборилади.

Олий Мажлис юқори палатаси ўз навбатида куйи палата томонидан қабул қилинган Қонунни ўз реңламентига мувофиқ ўрганиб чиқиб, тегишли тартибда Қонунни Сенат муҳокамасига киритиш ёки асослангандан ҳулоса билан Қонунчилик палатасига қайтариш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Сенат томонидан қайтарилган қонун эса, Қонунчилик палатасида ҳам амалдаги қонунлар асосида қайта кўриб чиқилади. Лозим топилган тақдирда, Сенат-томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, амалиётда бундай келишмовчиликлар юзасидан тузилган келишув комиссияси институти муваффақиятли синодан ўтишга улгурди.

2-бет

Истиқлол имкониятлари



БИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ТАЛАБАЛАР УЙИ

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЁШЛАРГА МЕҲР-ЭЪТИБОРИ ТУФАЙЛИ БУНЁД ЭТИЛДИ

Юртимиз истиқлолининг ўн бешинчи йили яқинлашаётган шу кунларда республикамиздаги ҳар бир қишлоқ, туман, шаҳар, вилоят, қолаверса, барпо этилган йўллар, кўприклар, миллий меъморчилигимиз дурдонаси бўлган бинолар... ўзгаришлар, янгиланишлар, онгу тафаккуримизда уйғонган Ватан, миллат туйғуси — барча-барчаси энг улуг, энг азиз неъмат бўлган Мустиқиллигимиз туфайли қўлга киритилди.

Яқинда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети талабалар уйи ёнидан ўтар эканман, ички бир қизиқиш мени беихтиёр ётоқхона томон етаклади. Биз талабаларимизда кўрган, яшаган кўрimsиз бино ўтмишда қолганлигидан ҳайратландим. Қисқа вақт ичида бутунлай қайта қурилган ётоқхонага кириш жойидаги гуллар, юртимиз ҳаётининг ҳикоя қилувчи суратлар бу ерга қадам қўйганларнинг кайфиятини кўтариши табиий. Маънавият ва маърифат хонаси, ундаги жиҳозлар, Ватан рамзлари, республика нашрларининг тахлamlари, зарур ўқув адабиётлари талабалар турар-жойларида ўрганиш, изланиш

учин барча имконият мавжудлигини кўрсатиб турибди.

Бу ердаги кутубхонада талабалар ўзига керакли адабиётлардан фойдаланиши, бюуртма бериши мумкин. Кутубхоначилар эса илмга чанқоқ ёшлар хизматига.

Турар-жойнинг пастки қаватида эса спортни севадиган талабалар учун барча жиҳозлар ўрнатилган. Улар

ўзларига маъқул вақтда спортнинг бир қатор турлари билан шуғулланишади. Кенг, замонавий ошхона, талабалар истиқомат қилаётган шинам хоналар, ҳар бир қаватга қўйилган телевизор, алоқа хизмати, компьютерлар, ювениш, кир ювиш, тиббиёт хоналари, ота-оналар учун ажратилган 40 ўринли меҳмонхона... Мухтасар

қилиб айтганда, яратилган барча шарт-шароитлар замирида Президентимизнинг мана бу пурмазно сўзлари мужассамлашган: «**Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!**» — Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан 2004 йилда ўтказилган талаба-ёшлар Уни-

версиадаси олдидан университетимиз талабалар уйлари тўлиқ таъмирланиб, зарурий жиҳозлар ўрнатилди, — дейди СамДУ маънавият ва маърифат ишлари бўйича 1-проректори, профессор Муслиҳиддин Муҳиддинов. — Жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган турар-жойларда талаба ўқиш-ўрганиши, яшаши, спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чиқариш имкониятига эга. Энг қувонарлиси, шу кунларда бутун мамлакат микёсида олий ўқув юртлири талабалар уйлари, спорт иншоотлари Юртбошимиз меҳр-эътиборлари билан янгидан замонавий қиёфа касб этмоқда. Ёшларга эътибор мустиқил Ўзбекистонимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бугунги талабалар олдидан биргина вазифа бор, у ҳам бўлса яхши ўқиш, Ватанни, миллатни севиш. Йўлбошчимизга садоқатли бўлишдир.

Фаррух ҲАМРОЕВ
Суратларда: талабалар турар-жойларида яратилган шароитлардан лавҳалар.
Шавкат АҚРАМОВ
олган суратлар



ПОКИСТОН ШҲТга АЪЗО БЎЛМОҚЧИ

Покистон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШҲТ) аъзо бўлиб киришга ҳаракат қилмоқда. Покистон стратегик тадқиқотлар институти директори Фазалар-Раҳмоннинг РАТА-ТАСС муҳбирига берган интервьюсида таъкидланишича, расмий Исломободнинг нияти ташкилот котибияти томонидан яқин кунларда кўриб чиқилиши мумкин. ШҲТга аъзо бўлиш ҳақидаги ариза президент Парвез Мушаррафнинг яқинда Хи-

тойга ташрифи чоғида берилган эди. Покистон ШҲТ доирасидаги иқтисодий ҳамкорлик, жумладан, энергетика соҳасидаги дастурлар ва инфраструктураларни ривожлантириш масалаларига кўпроқ қизиқиш билдирмоқда.

ШҲТ ижрочи котиби Чжан Дэгун Покистонни ташкилотга қабул қилиш имкониятлари ҳақида сўз юритар экан, Хитой ва расмий Исломобод ўртасида мавжуд ҳудудий баҳслар бу борада тўсиқ бўлмаслигини таъкидлади.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, ШҲТ мамлакатларининг кўпчилиги аввало ташкилотни кенгайтириш эмас, балки мавжуд алоқаларни ривожлантириш тарафдоридир. Айни пайтда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон кириди. Мўғулистон, Ҳиндистон, Покистон ва Эрон эса кузатувчи мақомига эга.

Орифжон ТУРОПОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

«СОТТОНТЕХ» МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖГА

Хоразмда яна бир қўшма корхона иш бошлади. «Боготтекс» ҳиссадорлик жамияти қарамоғидаги ташлашдик бино таъмирланиб, янги корхонага асос солинди. «Ҳамкортекс» ва «Боготтекс» ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда туркиялик тадбиркор Иброҳим Гундуз ҳамкорлигида ишга туширилган бу корхона йилига тўрт юз эллик тонна трикотаж полотно ва салкам бир миллион донна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Ушбу маҳсулотларнинг қиймати икки миллиард сўмдан ошқички

ташкил этади. Бу дегани корхонанинг яқин келажакда экспорт салмоғи бир миллион АҚШ долларига тенг бўлишини аглагади.

Янги корхонада юз қирқ нафар чевар қиз мўқим иш ўринларига эга бўлишди.

Тула қувват билан иш бошлаган ушбу қўшма корхонанинг илк маҳсулотлари хорижлик истеъмолчиларга жўнатила бошланди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР КЕЛТИРИЛДИ

Тошкент педагогика коллежи замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Ўқувчининг билимли бўлишида ўқитувчи малакаси билан бир қаторда дарслар замонавий технологиялар асосида ташкил этилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам таълим муас-

сасаларини замонавий ўқув жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Айни пайтда мазкур ўқув масканида 1 минг 948 нафар ўқувчи таълим олмақда. Уларга пухта билим бериш, таълим жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадида биоло-

гия, физика, кимё хоналари, ўқув устакхоналари замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Бу Осие Тараққиёт банки, Япония халқроқ ҳамкорлик банки ҳамда Япония ҳукумати-нинг беғараз ёрдам лойиҳалари доирасида амалга оширилди.

«Туркистон-пресс»

МУРУВВАТ

Андижон шаҳридаги вилоят теннис кортига туташ боғда «Меҳр нури» ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармалари баҳорги хайрия тадбири ўтказилди. Байрам дастурхони атрофига тақлиф этилганларга таниқли санъаткорлар катта концерт дастурини намойиш этдилар.

Ҳўжаобод туманидаги қишлоқ врачлик пунктига тиббий хизмат учун махсус мослаштирилган автомобиль хайрия қилинган жамғармаларнинг муруввати бўлди.

Мазкур хайрия тадбири кўпчилигининг кўнглига қувонч бахш этди.

Аҳмадило СОЛИЕВ

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Bija@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГIZ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Масалан, «Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислохларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 11 февралдаги «Коммунал хизматлар тарифларининг асосий равишида ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини амалиётга таъбиқ этиш мақсадида таъйинланган эди.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитасида тегишли вазирликлар, ташкилотлар раҳбарлари, бошқа қўмиталар аъзолари иштирокида бир неча бор муҳокама қилингандан сўнг, палата муҳокамасига киритилди ва 2005 йил 14 июнь куни бўлиб ўтган мажлисда қабул қилинди.

Қонун Олий Мажлис Сенатининг 26 август куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида муҳокама қилиниб, сенаторлар томонидан баъзи бир камчиликлар бор деб топилган ва Қонунчилик палатасига қайтарилган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ўзаро тенглик асосида ҳар икки палаталарнинг келишув комиссияси тuzилди. Келишув комиссиясининг ҳулосасига биноан мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 22 ноябрда бўлиб ўтган йилги мажлисда қайта қабул қилинди ва сўнгра Сенат томонидан маъқулланди.

Қўриб турганимиздек, Олий Мажлис палаталари амалда ўзаро ҳуқуқий муносабатга киришмоқда.

Бирок, тажрибалар шунки кўрсатмоқдаки, Сенат томони-

дан рад этилган қонунларнинг айримлари ҳақиқатан ҳам зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб этилган. Буни инкор этмаслик лозим. Лекин Сенат муҳокамасига юборилган ва улар томонидан қонунларга билдирилган ўзгартиш ва эътирозлар доим ҳам принципиал аҳамиятга эга бўлмагани мумкин. Сенат қонуннинг умумий концепциясига рози бўлмоқда, ундаги белгиланган принцип ва нормалар аниқ ва равшан баён этилганлигини ҳам инкор этмайди, бироқ сенаторлар қонунга айрим тахририй ва қонунчилик техникаси билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай принципиал аҳамиятга эга бўлмаган муаммоларни ҳал этиш учун ҳам амалдаги қонунларга мувофиқ, аввало қонунни қўйи палатага қайтариш ва сўнгра келишув комиссияси муҳокамасига олиб чиқиш талаб этилади. Бундан ҳар икки палата ҳам манфаатдор эмас. Чунки, ўртада вақтдан ютади. Бу эса, белгиланган муддатларда қонунларни қабул қилиш ва тезда амалиётга жорий этиш табиий равишда қўзилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бундай пайтларда Сенат томонидан тақлиф этилган ва қонуннинг концепциясига таъсир кўрсатмайдиган ўзгартиш ва қўшимчаларни қабул қилишнинг соддароқ йўлини мавжуд қонунларда ҳуқуқий ечимини очиб бериш лозимга ўхшайди. Эҳтимол, бу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг фаолиятини тартибга солуви амалдаги конституциявий қонунларга ё бўлмаса, келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиб-қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан ҳал этилар. Агар масала ўзининг ижобий ечимини топса, мамлакат раҳбари томонидан 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида билдирилган «...парламентимизнинг қўйи ва юқори палаталарининг бир-бирини тушуниб, баҳамжиҳат, самарали ишларини таъминлаш учун...» замин яратилган бўлар эди.

Яна бир муҳим масала. Олий Мажлисининг асосий фаолият-

ларидан бири — бу парламент назоратини амалга оширишдир. Парламент назоратини амалга ошириш эса, ҳар икки палатага тааллуқли ҳисобланади. Демак, парламент назоратини амалга ошириш ҳаётида ўртадаги баъзи бир тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида палаталарнинг қайсидир маънода ҳамкорлиги бўлиши керак. Бу ҳамкорлик эса ўзининг ҳуқуқий ечимини амалдаги қонунларда толганча йўқ, Фикримизча, бу ҳам ҳуқуқий ечимини қутаётган масалалардан биридир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунларнинг тегишсиз 8-моддаларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари белгиланган. Ушбу биргаликдаги ваколатларни амалга оширишда ҳам улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солуви тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилишга зарурат бор, назаримизда.

Қолаверса, Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ўзаро муносабатларидаги камчилик ва уларни бартараф этишнинг зарурлиги юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам ушбу масалани ўта долзарблиги ва бугунги кунда ўз ечимини қутаётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунларнинг пухта ва пишиқ қабул қилинишида Олий Мажлис ҳар икки палатасининг ўз ўрни ва мавқеи бор. Демак, уларнинг ўзаро муносабатларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

ЎЗХДП ҳаёти

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши ва партиядан вилоят кенгашига сайланган депутатлар гуруҳининг ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда маъқулланган «Оммавий ахборот соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида», «Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тўғрисида»

Фармон ТОШЕВ, Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири:

— «Оммавий ахборот соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси буйича шунинг айтмоқчиманки, ушбу қонун қабул қилинса яхши бўлар эди. Чунки, бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча ОАВ аллақачон хўжалик ҳисоби-га ўтиб бўлган. Бу соҳада етарлича иқтисодий муаммолар юзга келган. Қонун лойиҳасига келадиган бўлсақ, унинг айрим қисмлари бир-бирини такрорлаб келади. Олайлик 9-моддадаги икки қисмда ОАВнинг молиявий негизи ҳақида гап бормоқда. Шунингдек, қонунда муассислар олдига тегишли вазифаларнинг қўйилиши ҳам айни муддао.

«Телерадиозинтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Анжуманда партиядан сайланган депутатлар, ХДП шаҳар, туман кенгашлари ходимлари, республика ОАВнинг Самарқанд вилоятидаги муҳбирлари, журналистлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ҚОНУНЛАР МУКАММАЛ БЎЛСА

ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ОШАДИ, ТАРАҚҚИЁТ ТЕЗЛАШАДИ

Чунки, мамлакатимизда нашр этилаётган айрим газета ва журналларнинг адади бор-йўғи 1,5-2 минг нусхани ташкил этаётгани ачинарли ҳол, албатта. Бундан ташқари қонунларда газета, журнал, бюллетен, журналист, бош муҳаррир, муҳбир иборалари жағмиёт тараққиётига қараб ўзгартириб бераверади.

«Оммавий ахборот соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг тахририят, мулк эгасининг маблағлари деган моддаси ҳақида фикр

Дастлаб 1997 йилда қабул қилинган қонунга 2002 йилга қадар ўзгартириш киритиб келинди. Ҳозирда депутатлар муҳокамасига қўйилган ҳар уч-чала қонун лойиҳаси пишиқ, пухта ишланиб амалга татбиқ этилса, ОАВ фаолиятида катта бурилиш ясади. Қонунлар жағмиёт тараққиётига қараб ўзгартириб бераверади.

«Оммавий ахборот соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг тахририят, мулк эгасининг маблағлари деган моддаси ҳақида фикр

билдирмоқчи эдим. Қонун қабул қилинган, газета, журналлар нашр этишда йиллик сарф-харажатларга етмай қолган маблағларни муассислар тўла беради. Бу жуда зарур масала. Ҳозир вилоятда 19 та маҳаллий ҳокимликларнинг газеталари бўлиб аксарияти молиявий жиҳатдан қийналиб

Айни пайтда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари муҳокамасида бўлган «Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳам шу каби масалаларни тартибга солишга қаратилган.

Яна бир фикрни таъкидламоқчи эдим. Қонунларда ОАВда ўзбек тилини бузиб ишла-таётганларнинг жавобгарлиги ҳам белгилаб қўйилиши керак.

Асадулла ШУКУРОВ, «Овози Самарқанд» газетаси бош муҳаррири ўринбосари:

— Қонунда давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ёритиш журналистларнинг маълумасини оширишни тахририят ёки муассис эмас, давлат ўз зиммасига олиши кераклиги кўрсатиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Давра суҳбати қизгин тортишувлар, баҳс-мунозараларга бой бўлди. Фикрлар қўла-қўла кенг. ХДПдан вилоят Кенгашига сайланган депутатлар гуруҳи ушбу қонун лойиҳалари юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракциясига юборишга қарор қилди.

Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ПАРТИЯВИЙ ЙЎҚЛАМА

УНДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ВА БУ МУҲИМ ТАДБИРНИНГ ПАХТАКОР ТУМАНИДА ҚАНДАЙ ЎТАЁТГАНИ ХУСУСИДА

Шу йилнинг бошидаги ҳисоботларда қайд этилишича, туманда партиядан 28 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз атрофида 1972 нафар ХДП аъзосини бирлаштирган. Албатта, партия аъзолари орасида объектив ва субъектив сабабларга қара, партия билан алоқасини узган, аъзоллик бадалларини мунтазам тўламаётган, партия ташкилотлари тадбирларида иштирок этмаётган ва ҳатто ХДП Дастури ва Уставига бефарқ муносабатда бўлган ҳолда ҳисобдан ўчмай бошқа жойларга кўчиб кетганлар ҳам йўқ эмас. Шу ва шу каби бошқа бир қатор камчиликларни инобатга олган ҳолда ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси V курултойининг партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ҳамда партия билетларини алмаштириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ январь ойидан эътиборан мазкур тумандаги бошланғич ташкилотларда ҳам партиявий йўқлама бошлаб юборилди.

Ҳўш, партия ҳаётидаги бу муҳим сиёсий тадбир ушбу ҳудудда бугун қандай ташкил қилинган? Партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш, сафларимиз софлигини таъминлаш буйича бажарилаётган амалий ишлар қутулган натижаларни бераптими? Ҳар бир партия аъзоси, бошланғич ташкилот, қолаверса, умумпартия ҳаётига бевосита дахлдор бўлган бундай ишда ўзибўларчилик, ҳўжакурсинчилик, юзакчилик ҳолатларига йўл қўйил-маяптими? Бошланғич партия ташкилотлари раислари, партия фаоллари партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш амалиёти билан яхши таниши, бу ишнинг ўзига хос томонларини пишиқ-пухта ўзлаштириб олишганди? Улар аввало, жуда қисқа муддат ичида бажарилиши керак бўлган катта ҳамдаги ишнинг қай даражада масъулиятли эканлигини тўлиқ англаб етишмаяптими?

Партиянинг туман кенгаши ҳамда айрим бошланғич ташкилотларида бўлиб, шу каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик. Очиги, сафар чоғида, бевосита учрашувлар, суҳбатлар давомида олган таассуротлардан кўнглимиз тўлмади.

Ахир, бевосита партиянинг туман кенгашида ишлаётганларнинг ўзлари аъзоларни қайта рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг билетларини алмаштиришдан кўзда тутилган мақсад ва бу тадбирнинг зарурати ҳақида тузукроқ тасаввурга эга бўлишмагандан сўнг бошқалардан нима кутиш мумкин? Масалан, туман партия кенгаши раиси Нарзулло Адиллов қайта рўйхатдан ўтказиш буйича қандай амалий ишлар қилиниши кераклиги ва бу ишларнинг қандай бошланиши, қайси муддатларда, қай тарзда тугатилиши тўғрисидаги саволларимизга жавобан «Юқоридан қайта рўйхатдан ўтказинлар дейишди ўтказини, қолгани билан ишимиз йўқ», дея елка қисиб қўйишдан нарига ўтолмади.

Тўғри, туманда ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказишнинг махсус рақамли «Қайта рўйхатдан ўтказиш китоби» маъқул ва у белгиланган тартиб буйича тўлдириб берилмоқда. Биз мазкур китобда қайта рўйхатдан ўтказилди, деб қайд этилган ва рўйхатдан ўтказиш жараёнида шахсан ўзи имзо чеккан ХДП аъзоларидан айримлари билан учрашишга қарор қилдик. Аввалига кенгаш раиси турли баҳонаю сабабларни рўқач қилиб, бизни бу ниётигимиздан қайтаримизга уриниб кўрди. Аммо, қароримиз катъийлигини билгач, ноилоҳ рози бўлди.

Дастлаб 20 нафардан кўпроқ ХДП аъзосини бирлаштирган «Дилором» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий партия ташкилотиде бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бердир Ҳўшманов (кенгаш раисининг айтишича, айни пайтда у ХДП бошланғич ташкилоти ишига ҳам масъул) гапларига қараганда, бу ташкилотда партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ниҳоясига етай, деб қолган. «Ҳисобда турган партия аъзоларини қандай қилиб ва қай тартибда қайта рўйхатдан ўтказаяпсизлар, уларнинг орасида қайта рўйхатдан ўтказилмаганлари ҳам бўлдимми?» деган саволларимиз бирон-бирон сўзлаётган раисни бироз шошириб қўйгандай бўлди. Сўнг:

— Нима десам экан? Аслида мен

бирон-бир партиянинг аъзоси эмасман. Лекин қайта рўйхатдан ўтказиш қандай айтилган бўлса, шундай ташкил қилаямиз, — деб жавоб берди.

1991 йилдан ХДП аъзоси, тумандаги «Жиззахёғ» корхонаси ишчиси Муродулло Абдуллаевни суҳбатга тортамыз,

— **Айтингчи, сиз қаерда, қай тартибда рўйхатдан ўтдингиз?** — Билмадим. Қайси рўйхатни айтасиз ўзи? — саволимизга савол билан жавоб қилди у. — Тўғриси айтсам, бир неча йилдан бери ҳеч ким мендан қайси партиянинг аъзосисиз, деб сўрагани йўқ. Бошланғич ташкилотнинг ҳам, туман кенгаши-нинг ҳам раисини танимайман. Қайта рўйхатдан ўтиш масаласида ҳеч ким мен билан гаплашмади.

Ана ҳолос! Боя туман кенгашидаги махсус рақамли «Қайта рўйхатдан ўтказиш китоби»да шу Муродулло Абдуллаевнинг партия аъзоси сифатида қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги қайдаларни кўрган эдик. Адашмасак, китобда унинг «шахсий имзоси»га ҳам қўзимиз тушганди. Бугеи қандоқ бўлди?

Бунисиям ҳолва экан. Махсус китобда «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилапти, деб белгилаб қўйилган ва 10 апрель куни қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги «шахсий имзо» ҳам мавжуд бўлган ХДП аъзоси Қаҳҳор Шамсиевнинг Мирзачўл туманига қўчиб кетганга бир йилдан ошганига нима дейсиз? Унинг бошқа туманга қўчиб кетганини мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Файзулла Холмуродов ҳам, Қаҳҳор Шамсиевнинг собиқ қўшнилари ҳам тасдиқлаб туришибди.

Энди туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими мутахассиси, ХДП аъзоси Бекзод Маматовнинг айтганларига қулоқ тутинг:

— Яқин бир йил ичида партиядан келиб ҳеч ким мен билан учрашган эмас. Қайта рўйхатдан ўтганим йўқ. Ҳеч қандай китобга ҳам имзо чекмаганман. 10 апрель куни ХДП аъзоси сифатида қайта рўйхатдан ўтказилганимни ҳозир эшитаяпман.

ИҚТИСОДИЙ ҲИМОЯ ЙЎЛИДА



Қашқадарё вилояти боғжоначилари бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашга, ички истеъмол бозори ва миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишга, тадбиркорлар учун қўлай шароитлар яратилишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Буни бошқарма ходимлари томонидан ўтган йил давомида давлатимиз бюджетига 17 миллиард 855 миллион сўм тўлов ундиришга эришилганидан ва белгиланган режа 105 фоизга бажарилганидан ҳам билиш мумкин. Бу 2004 йилдаги нисбатан қарийиб 9 миллиард, 284 миллион 246 минг сўм кўп демакдир.

Боғжона постларини четлаб ўтадиган йўллар устидан доимий назорат олиб берилиши контрабанданинг ҳар қандай кўринишига қарши жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Сиз суратда қўриб турган Парда Норматов

вилоят давлат боғжона бошқармасида хизмат қилади. У ўз ишига масъулият билан қарайди, ёш ходимларга хизмат касб сирларини ўргатишдан чарчамайди.

Унинг шахсан ўзи ўтган йили 10 миллион 605 минг 752 сўмлик моддий бойликлар давлатимиз ҳудудидан ноқонунли олиб чиқиб кетилиши олдини олди.

Бошқармада Парда Норматов сингари жасоратли ва фидойи кишилар борлиги тўғрисида ўтган йили 1072 та боғжона қондалари бузилиши ҳолатлари аниқланди. Қонунбузарлардан 219 миллион сўмдан ортқ товар-моддий бойликларни давлат фойдасига мусодара қилинди.

Суратда: боғжона хизмати майори, «Жасорат» медали соҳиби Парда Норматов.

Шоурод ШАРОПОВ
(Ўза) олган сурат

«ИНТЕРПОЛ» ҲАҚИДА ИЛК КИТОБ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент давлат юридик институти талабаси Отабек Мирзаевнинг «Интерпол» номи китоби тақдими бўлиб ўтди. Кенг жамоатчилик учун мўлжалланган мазкур китобда дунёнинг икки юзга яқин мамлакатда фаолият кўрсатаётган «Интерпол» ташкилоти ҳақида батафсил маълумот берилган. Зеро, ҳақонда жиноятчиликнинг олдини олиш, уни фаш этиш дунё халқларининг тинчлик ва осойишталигини асрашдек эзгу ишни амалга ошираётган «Интерпол» фаолияти ҳақида қўчлиқ билишни хоҳлайди.

Нашрда «Интерпол» — Халқаро полиция ташкилотининг ташкил топиши, унинг бугунги кунгача бўлган тарихи, фаолият йўналиши, ривожланишининг назарий ва амалий муаммолари батафсил қаламга олинган.

Мазкур китоб интерпол хизматида оид ўзбек тилидаги илк нашр эканлиги билан ҳам катта аҳамиятга эга.



Маъмуржон ҚИЁМОВ

ШҲТ: УЧИНЧИ УЧРАШУВ ТОШКЕНТДА

Шу йилнинг 27-28 апрель кунлари Тошкент шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар маданият вазириларининг учинчи учрашуви ўтказилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигида ушбу нуфузли халқаро учрашувни ўтказиш буйича тузилган ташкилий гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар маданият вазириларини учинчи учрашувининг Ўзбекистон пойтахтида ўтказилиши шайхубҳасиз республикамиз ижтимоий-

сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлиши алоҳида таъкидланди. Шунингдек, учрашув иштирокчиларини кутиб олиш, маданий дастур тайёрлаш, ШҲТга аъзо давлатлар тасвирий ва амалий безак санъати кўргазмасини ташкил этиш, меҳмонларни Тошкентнинг диққатга сазовор жойларига ташрифини инобатга олган ҳолда зарур чора-тадбирлар белгилаш, анжумани оммавий ахборот воситаларида ёритиш ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати

Долзарб мавзу

Доимий иш ўрнига эга одам ўзини жамиятнинг фаол аъзоси ҳисоблайди. Оиласида тинчлик, тотулиқ барқарорлашади. Ўзи ва яқинлари иқтисодий муаммолар гирдобига қолмайди. Эртанги кунга бўлган ишончи ортади.

Ишсиз одамнинг эса... Мақоламиз шу ҳақда, яъни ишсизликнинг баъзи жиҳатларини таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Бозор иқтисодида энди ўтилаётганида, мутахассислар бизни оғохлан-тиришгани: ишсизлар пайдо бўлади... Ҳа, бозорнинг асосий шартларидан бири — кам сарф қилиб, кўпроқ даромад олиш, бу талабларга бардош беролмаслик оқибатида кўпгина корхоналар иққирозга учраши, бу эса иш ўринлари қисқаришига олиб келишини тажрибада кўрдик.

Аммо, бозор иқтисодиёти шундай мураккаб жараёнки, унда эҳтиёжларни зудлик билан ўрганиб, тезкорлик билан жавоб қайтариш зарурати пайдо бўлади. Яхши фойда олиш ишлаб чиқарувчинини ҳам хизмат кўрсатувчинини ҳам шунга мажбур этади. Янги хизматлар, янги маҳсулотлар, демак, янги иш ўринлари яратилади. Баъзи эса қисқаришлар юз беради.

Статистик рақамлар, турли сўровлар аҳолининг бандлик даражаси ҳақида аниқ ва тўғри маълумот бера олмаслиги мумкин. Масалан, яширинча цехи бор киши ҳеч қачон ўзини тадбиркор деб атамайди, айнан шу жойда фаолият кўрсатаётганлар ҳам иш ва даромади тўғрисида гапиришмайди. Шунингдек, ақка тартибда меҳнат фаолияти билан шугулланаётганларнинг битта ўзи рўйхатдан ўтган ҳолда унга ёрдам бераётган бир неча оила аъзоси ҳам иш билан банд, даромад манбаига эга. Хуллас ишсизлик даражаси масалага кимнинг қандай қарашига боғлиқ. Келлинг, рақамларни ўз ҳолига қўйиб, иш излаётганлар ва иш таклиф қилаётганлар билан суҳбатлашамиз — ҳар ҳолда бу борада бироз тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

қараш учун ўн йил уйда ўтириб қолди. Яна ўрганган ишим кассирлик қилишни хоҳлайман. Ўзимиз томонда катта тикувчилик цехи қурилши кетаяпти, балки шу жойга кирарман. Дилфуза иш излаш жараёнида билимини ошириш лозимлигини сезиб қолибди. Қисқа муддатли курсда бухгалтерия ва компьютерга ўқиш учун ҳужжат тайёрлаётган экан.

Юқоридagi каби кассирлик ўрни ҳақида аниқ маълумот айтиш қийин. Оддий бошқа бирор бир муқо-бил иш эса излаганларга топилади.

— Ҳозир бизга ҳовли фаррошлари, дурадгорлар керак, — дейди Ҳамза туманидаги «Тоҳир коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати ҳисобчиси Марина РҮЗИМБЕТОВА. — Кўпинча бу ўринлар бўш туради.

Ҳовли фарроши ва дурадгорнинг вазифалари билан қизиқдик. Бир фаррош кўп қаватли уйлар олдидagi 500-1000 квадрат метр ерни озода сақлаши керак экан. Бу иш ҳар кунни эрталаб 2-3 соат вақтни олади. Дурадгорлар эса синган эшик, ойналарни сошлаш каби юмушларни бажаради. Ойлик маоши 25 минг сўм. Албатта, бу ишларга яқин атрофда яшайдиган кишиларни таклиф қилишади. Демак, йўл ҳақи, кўчада оқватланиш харажатлари йўқ.

қараш лозим бўлган йўналишлардаги мутахассисларни тайёрлаётти. Кўрдингизми, битта корхонанинг иши юришгани туфайли қанча муаммолар ҳал бўляпти. Юқоридagi коллежаларнинг ўнлаб талабалари ҳам ўқишни битиргач, иш излаб сарсон бўлиб юрмайдилар.

ЁЛЛАНМА ИШЧИЛИК ОСОН ЭМАС

Шу мавзунини ўрганаётганимда кўшмининг уй ишларини бажаришга ёлланган аёл билан суҳбатлашдим. У очкиқина экан, бир дунё маълумотни айтиб ташлади.

Еши олтишларга яқинлашиб қолган жиккакина, харақатчан ва аёл ўғилларининг муқим иш жойи йўқ экан. Бекор ўтириб ўрганмаганлиги учун оилага кўмаклашишни истайдиган. Экин, ўрим-йғим мавсумларида қишлоқдаги фермер даласида ишлайди. Иш ҳақига бугдой олади. Фермер доим ҳам унинг ёрдамига муҳтожлик сезмагани учун ора-сира шаҳардаги хонадонларда, хусусий фирмаларда дераза ювиш, қури-лишдан кейинги ҳовли-жойларни су-пуриш, тозалаш ишларини бажаради. Бирга ишлайдиган шериклар ҳам толиб олган. Уни бир марта иш-латган миқоз кейинги сафар ҳам бозорда аввало уни излайди. Чунки у ишини сидқидилдан бажаради. Кунига 3000 сўмдан байлашган миқоз иш сифатидан мамнун бўлиб,

лик йигит. — Бу ерда 5000 сўмга ҳам ўйлашиб бораман. Ва иш берувчи олдига икки маҳал иссиқ овқат, машинада қайтариб элтиб қўйиш шартларини кўяман.

Шаҳарда фаолият кўрсатаётган хуфиёна цехлар ҳам вилоятлардан келган ёлланма ишчилар кучига талабгорлардан бири. Ўтган йил да-вомидида солиқчилар пойтахтда ўнлаб ана шундай цехларни фош этишган. Кийим-кечак, ўйинчоқлардан тортиб, озиқ-овқат маҳсулот-ларигача ишлаб чиқарадиган бу цехларда камиди 3-4 дан ёлланма ишчи ишлаб келган. Қонуний асос-да фаолият кўрсатаётган ишлаб чи-қариш цехлари ҳам ҳақиқий ишлаб чиқариш микдорини кўрсатмаслик, солиқ тўламастик мақсадда ёллан-ма ишчилар меҳнатидан фойдала-нишади. Фақат озаки шартнома асосида меҳнат қилган фуқаронинг ҳуқуқлари табиийки, ҳимоясиз қо-лади.

Аммо, ишчи кучига эҳтиёж бор экан, бу каби ҳоллар вилоятларда-ги муқим иш билан бўлмаган аҳолининг пойтахтга интилишига тўсқинлик қила олмайди.

ХУЛОСА ... ДАВОМЛИ МАВЗУ

Каердадир, қандайдир хизматга эҳтиёж бор экан, шу хизматни так-лиф қилувчилар ҳам, албатта, топи-лади. Уйингизга келиб, чопиқ қил-ган ёки дераза ювган аёлни марди-кор деб атайсизми ёки маданияроқ қилиб «сервис хизмати кўрсатди» дейсизми, ишчилик унинг хизмати-га муҳтожсиз. У эса сиз тўлаган пулга оиласини боқиб, тирикчилик қила-ди. Гап фақат ишни қандай уюшти-ришда. Ҳозирча сиз ҳовлингизни са-ранжом қилишга ёрдамчи керак бўлиб қолса, уйда ўтирган ҳолда те-лефон қўнғироғи билан бундай хиз-матчини тополмайсиз. «мардикор бозорига» тушасиз. Хизмат ҳақини келишиб, уни олиб ҳам келасиз. Фа-қат у қандай одам? Қўлидан иш ке-ладики? — бу саволга гўёки ёллан-ма ишчи билан иш берувчи ўртаси-да воситачилик қилаётган марказ ходимлари жавоб беролмайди. Ма-саланинг иккинчи томони — ёллан-ма иш талабгорлари ҳам марказ-лар ишни нақд қилиб қўяётгани йўқ.

Аммо, ҳарқалай, марказлар олиб бораётган мониторинг туфайли ун-чалик аниқ бўлмаса ҳам вилоятлар-даги иш билан банд бўлмаган аҳоли сони, ишсизлик сабаблари ҳақида маълумотлардан жойлардаги аҳо-л туғрисида бироз тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

— Турар-жой муаммоси йўқми, дейсизми? — У чақонлик билан ик-кинчи қават деразасини артар экан, саволимга жавоб беради. — Бир ўғлим келишим билан шаҳар чекка-сида яшайди, уй эгасининг иссиқ-хонасига қарайди. Ҳўжайин яхши одам, менга ҳам тунашга рухсат берган.

